

Jizzax haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Gazeta 1974-yil 1-maydan chiqib boshlagan WWW.JIZZAXHAQIQATI.UZ E-mail:jizzax.haqiqati@yandex.com 2023-YIL 15-APREL, SHANBA № 33 (6390)



Президент топшириғи ижроси назоратда



Орзулар рўёбга чиққан кун

Бир замонлар Форш туманидаги Учқулоч конида 1500 нафар ишчи ва муҳандислар меҳнат қилмишарди. 30 ва 75 тонналаб юк кўтарадиган "БелАЗ"лар қўроғошин ва рух мадданларини кондан ташиб чиқарди. Улар вагонларда Олмалиққа жўнатилар, у ерда тозаланиб, прокат қилинган металллар қайта қайта кетатганини ҳеч ким билмасди. Кон ҳудудига ҳам унча-мунча одамларни киритишмас, стратегик объект сифатида қаттиқ қўриқланарди.



Иттифоқ таназзулга учраганидан кейин Учқулоч конида ҳам ишлар тўхтади. Конда ишловчилар сони кундан-кунга камайиб, санокли одамларгина қолди. Хонбанди шахарчасида яшаётган мутахассислар ҳар томонга тарқаб кетди. Русийзабон одамлар ўзларининг тарихий юртига қўчи кетишди. Хонбандликлар қарийб 30 йил коннинг қайта ташкил этилишини кўтиб яшади.

Президентимиз вилоятимизга жорий йилда ташрифи чоғида Учқулоч конини тиклаш бўйича топширик берган эди. Буни эшитган минглаб форшиликлар қалби кувончга тўлди. Чунки давлатимиз раҳбари мазкур конда 600 та иш ўрни яратилишини таъкидлаган эди. Бу дегани шунча оилада таъминот яшшланади, фаровонлик, ободлик, Хонбанди маҳалласида ривожланиш бўлади деганидир.

Эргаш Салиев қабул қилди. У меҳмонларга вилоятнинг sanoat ишлаб чиқариш салоҳияти ва Жиззахда ишлаб чиқарилаётган экспорт-боп маҳсулотлар ҳақида сўзлаб берди. Меҳмонлар "IT Park"да бўлишиб, у ерда бўлажак дастурчилар учун яратилган шароит ва имкониятлар билан танишдилар.

Шу кунги Форшда давлатимиз раҳбарининг Учқулоч конини қайта тиклаш бўйича топшириғи ижросига бағишланган тантана ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиғи, Жиззах вилояти ҳокимлиғи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Туркиянинг "Esan Eczacibasi" компанияси раҳбар ва вакиллари, меҳнат фахрийлари, "Хонбанди" ва "Учқулоч" маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тантанали маросимни Жиззах вилояти ҳо-

кими Эргаш Салиев очиб, вилоятда кон саноатини ривожлантиришнинг аҳамияти, Учқулоч конида амалга оширилиши мўлжалланган инвестиция лойиҳаси доирасида бажариладиган ишларга тўхталди.

— Президентимиз жорий йил 10 февраль кунги Жиззах вилоятга ташрифи чоғида вилоятда саноатни ривожлантириш бўйича масъулларга юклатилган топшириқлар ижроси доирасида ҳорижий инвесторлар билан ҳамкорликда Учқулоч конини тиклаш вазифасини қўйди. Лойиҳага 200 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилиши кўзда тутилган эди. Бугун ана шу топшириқ ижросига киришилди. Ишончим комилки, форшиликлар орзулари рўёбга чиқмоқда, — деди вилоят ҳокими Эргаш Салиев.

Тантанала Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти бошқаруви

раиси Абдулла Хурсанов, Туркиянинг "Esan Eczacibasi" компанияси бош директори Саваш Шахин, олмалиқлик Ўзбекистон Қаҳрамони Сайдали Раҳмонов ва бошқалар сўзга чиқди.

Форш туманининг тўнғич саноат корхонаси ҳисобланган Учқулоч қўроғошин-рух кони 1979 йилда иш бошлаган эди. Бу ерда 4000 нафар аҳолига мўлжалланган шахарча бунёд этилди. Инфратузилма тизими яратилди, майдаланган рудани Олмалиқ кон-металлургия комбинатига етказиш учун темир йўл тармоғи қурилди. Демак, Учқулоч конида ишни жадаллик билан йўлга қўйиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Табиий ресурсларга бой вилоятимизда кон саноатини ривожлантиришнинг имкониятлари катта. Масалан, ҳозирги пайтда жаҳон бозорига бир тонна қўроғошиннинг нархи 2128 АҚШ доллар, бир тонна рухнинг нархи 2810 АҚШ доллар бўлиб турибди.

Барчага маълумки, қўроғошин стратегик маҳсулот ҳисобланиб, ҳарбий саноат комплексида, АЭСларнинг энергоблоклар ҳимоясида, аккумуляторлар, батареялар ишлаб чиқаришда ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади. Рух ҳам автомобилсозлик соҳасида ишлатилади.

— Учқулоч конида маъдан очиб усулда қазиб олинади. Лойиҳа доирасида ҳар йили 500 минг тонна полиметалл маъдан қазиб олиниши кўзда тутилган. Тез орада маъдани қайта ишлашга мўлжалланган замонавий бойиш фабрикаси ҳам барпо этилади, — деди Учқулоч кони директори Азиз Беркинов.

Албатта, коннинг тўлиқ қувват билан ишлаши учун саноат ҳудудига анча ишларни бажариш лозим. Жумладан, биринчи навбатда майдаланган маъданлар омбори билан майдалаш-ортиш тизими тўлиқ таъмирланади. Ташқи муҳандислик коммуникациялари барпо этилади. Автомобиль ва темир йўлларда реконструкция ишлари амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан Учқулоч конининг қайта тиклиниши ва вилоятимизда яна бир йирик саноат корхонасининг пайдо бўлиши халқимизга 30 апрелда ўтадиган референдум олдидан катта совға бўлди.

Хонбанди маҳалласи аҳли учун байрамга айланган тадбирда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг "Металлург" маданият саройи қошидаги ашула ва ракс ансамбли томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Асад МУСТАФОЕВ.
("Жиззах ҳақиқати")
Ботир ҚУДРАТОВ олган сурат.

Янги Ўзбекистон: Ижтимоий давлат сари

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари вилоят бўлими томонидан "Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда вилоятимизда фаолият юритаётган 70 нафардан ортиқ ННТ раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Дастлаб халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудри Нодира Каримова, Олий Мажлис Сенати аъзоси Санобар Суяровалар мавзуга доир ўз фикрларини билдиришди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси давлат ва ҳуқуқ институти директори, юридик фанлари доктори Муроджон Турғунов, шу институтнинг халқаро ташкилотлар бўлими бошлиғи Муродил Баратов, профессор Ахрор Худойбердиевларнинг маърузалари тингланди.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Барқарор ривожланиш маркази томонидан брайл алифбо-сидати китоб ҳолида чоп этилган янгиланаётган Конституция матни "Қўзи оқилар" жамияти Жиззах шахар бўлини маси раиси Дониёр Эгамбердиевга топширилди.

Гулчехра ХИДИРОВА,
"Инсон манфаатлари" маркази раҳбари, ЎзННТМА тренерлар штаби аъзоси.

Бу ҳафта ҳақиқатдан ҳам Форш тумани қатор маънавий-маърифий тадбирларга мезбонлик қилди. Туман марказидаги Ойбек МФЙ, тиббиёт бинолари ҳамда ўтум маҳалласида республика Оила ва хотин-қизлар қўмисси тарғибот гуруҳи аъзолари ҳамда III китобхоналик республика фестивали меҳмонлари энг хатта ва олис ҳудуднинг хотин-қизлари билан самимий мулоқотлар ўтказишди.

Аёл эъзозланган юртда ҳар кунги байрам

Тарғибот тадбири дастлаб туман марказидаги Ойбек МФЙда бўлиб ўтди. Туман оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан ташкил этилган сумалар сайли, миллий таомлар кўргазмаси, унармандачилик намуналари, соғлом турмуш тарзи йўриқномалари, халқ ўйинлари намойиши ҳар бир иштирокчига баҳорий ва байрамона руҳ берди. Меҳмонларга Форшга хос кўча оши, ялғиз бичак, тотран каби унутилаётган ноз-неъматлар ҳақида маълумот берилди. Эрта тонгда этилган сумалак ҳиди чор-атрофини тўтиб, эл суйган шоиро ёзувчиларни ҳам бир бор қапгир тўтиб, қозони кўзга ша ҳандади. Ланка, чиллак ўйинларини кўрсатиб бераётган бўз йиғитлар сафиди халқ ўйинларини уйнаб кўрган меҳмонлар ёшларга кир-адирларда ўтган болалиғи ҳақида қисқача сўзлаб бердилар.

Шу тариха самимий ва кўтаринкилик руҳида бошланган тарғибот тадбирида республика "Оқила аёллари" ҳаракати аъзолари, ЎзННТМА вакиллари ва олим уқуқшунослардан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари янги Конституцияга кириштирилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида тушуноча бердилар. Хусусан, тарих фанлари доктори, профессор Дилором Бобонова янги Конституция лойиҳасининг 58-моддасида "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлиқлар" давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имко-

ниятларни таъминлайди" дея белгилаб қўйилиши гендер тенглигини амалга оширишда катта кадам бўлиб хизмат қилиши ҳақида тушуноча берди.

— Ҳақиқатдан ҳам, юртимизда референдум олдидан аёллар тенг ҳуқуқлиғи бўйича катта ижобий ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ойбек МФЙ хотин-қизлар фаоли Нориноса Ирисова. — Буни яқиндагина мухтарам Президентимизнинг Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг худудий тизимини яқлит сақлаб қолиш тўғрисидаги топшириғи мисолида кўрдик ва буни бизга билдирилган катта ишонч деб билдик. Хотин-қизлар қўмитаси тизими узоқ йиллар мобайнида аёлларнинг дарддаши, суянчи, нажоткорига айланган эди. Унинг бошқа тизимларга қўшилиши, шаклан ўзгариши кўп йиллар давомида тикланган, машаққат билан эришилган тажрибани йўққа чиқариш бўлур эди. Бу ишонч бизга кейинги фаолиятимизда катта суянч бўлади.

"Китобсевар миллат" шиори остида ўтказилаётган III республика китобхоналик ҳафталиғи тарғибот гуруҳи вакиллари қилдирилган ҳам тадбирга ўзгача жозоба бағишлади. Зулфия Муминова, Нурали Қобул ҳамда Бобур Бобомурод каби халқ суйган шоиро ёзувчиларининг ижод намуналари адабиётсевар, ҳаммаша маънавий чанқок муҳлисларга кувонч бағишлади, тадбирнинг маънавий-маданий аҳамиятини оширди. Хонанда Музаффар Хўжабердиев, "Лағзи" ансамбли аъзоларининг муסיқали қилдишлири эса тад-

Муқаддас САПАРОВА.
("Жиззах ҳақиқати")

АДОЛАТГА БЎЙСУНГАН ДАВЛАТ БЎСТОН БЎЛАДИ

— Адолат битта бўлади, лекин унинг қиёфаси минг хил бўлиши мумкин, — дейди "Мард ўғлон" Давлат мукофоти соҳиби, Беруний номидаги давлат стипендианти Сафаров Қодир Қоплонбек.

— Мен адолат мезони бўлган Конституциямизни қайта кўриб чиқиб, давлат фуқаролар билан баъмаслаҳат унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилаётганини юксалиш деб биламан. Ўзгаришларда ўз тақлифларим билан иштирок этганимдан ва буни янги нормаларда ўз аксини топганидан беҳад хурсандман.

Зарбдорлик Қодир Қоплонбек сингари иқтидорли ёш изланувчилар учун ўз ишланмаларини патентлаштириш жуда узоқ вақт ва маблағ талаб қиладиган жараён эди. Бу даврда ишланмалар маънан эскириши ёки ўзгалар ўзлаштириши табиий ҳол эди. Ҳозирги янгиланаётган тахирдаги Конституциянинг 79-моддасида ёшлар учун алоҳида этибор қаратилиб, илмий фаолият бўладини ёки бошқа барча ишланмалар давлатимиз ҳимоясида эканлиги белгиланмоқда.

"Адолат кунга бўйсунган юрт вайрон юрт, куч адолатга бўйсунган юрт бўстон юрт" деган нақл бор. Зарбдор туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўйингоҳида бўлиб ўтган "Конституция меники, сенки, бизники! Конституция ўзимизники!" шиори остидаги тарғибот тадбирини жорий йил 30 апрелда бўлиб ўтадиган референдумда фаол иштирок

этишга, уларни бефарқ бўлмасликка чакирди.

— Мен нарсанинг қадрини билмоқчи бўлсам, унинг туришига қарайман, ростни ёлғон билан, иймонни ширк билан, тинчлиқни уруш билан, қонун устувор-

лигини мезонсизлик билан ажратиш учун қиёслайман. Ҳатто эрталабдан кун тартибини нималарни қилишим керак деб эмас, қилмаслигим керак деб тузиб олам, — дейди тадбир иштирокчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор, меҳнат фахрийси Қувондик Абдураззоков. — Дарёнинг ўнг қирғоғи қуласса ҳам, чап қирғоғи қуласса ҳам тошқин бўлиб, офат рўй беради. Қонуннинг қирғоғи ҳам бежиз икхита эмас. Бири ҳуқуқ, бири мажбурият. Ҳуқуқ деган қирғоқ қуласса, офат рўй беради. Мажбурият деган қирғоқ қуласса, юрт талатуб бўлиб, таназзулга учрайди. Бу қирғоқларни мустаҳкамловчи асосий нарса бош қонундир.



— Бу ҳовли, бу қишлоқ, бу Ватан меники дея гуруранаман, — дейди халқ таълими фидойиси, меҳнат фахрийси Бўтабек Турсунмуродов. — Эришган ютуқларим ортида уни ҳимоя қила оладиган давлатим бор. Йилга икки мартадан бепул сыхатгоҳларда соғлиғимизни тиклашмиш. Меҳнатимиз, инсон омили қадрланаётган юртда нафас олаётганимиздан фахрланаман. Қаноатли киши ҳаммадан бахтли, ҳаммадан азиз инсон даражасига етади.

Қўлларда турли мазмундаги плакатлар, давлат байроғини, референдумни акс эттирган рамзий белгилар, байроқчалар ва ранг-баранг шорларни кўтариб олган байрам тантанасининг бахтиёр иштирокчилари бошловчининг қақриғига жўр овозда жавоб беришди. Шу кунги ўйингоҳга ташриф буюрган 2500 нафардан ортиқ зарбдорликлар референдумда ўз хоҳиш-истакларини, иродаларини намойиш этишга сўз беришди.

Тадбирда тумандаги 3-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Элеонора Калининко, ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Усмон Холмуродов, меҳнат фахрийси Тўрабек Усмоновлар ҳам сўзга чиқиб, янгиланаётган Конституцияга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни қўллаб-қувватлашларини ихор этишди.

Тантанали тадбирда "Нихон" мукофоти совриндори Шаҳноза Отабоева, хушовоз хонанда Анвар Санаев, вилоят санъаткорлари ҳамда туман маданият бўлими хонандалари ижросидаги қуй-қўшиқлар даврага кўтаринки кайфият киритди.

Зоир ЭРГАШЕВ.
("Жиззах ҳақиқати")

Заётбахш қолими

Босиб ўтган йўлимизга назар солиб шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, ўтган тарихий қисқа давр мобайнида мамлакатимизда конституциявий меъёрлар ва тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тўлиқ таъминлаш, давлат бошқарувини тўғри олиб бориш борасида улкан ишлар амалга оширилди ва етарли даражадаги таърибага эга бўлди.



Жумладан, 1992 йил 8 декабрда республика парламентининг XII чақириқ XI сессиясида моҳияти ва аҳамиятини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайдиган ҳаётимизнинг қомуси бўлмиш тарихий ҳужжат — Конституция қабул қилинди. Айнан шу кундан бошлаб юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин кишилик жамияти, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда тенглар ичида тенг бўлишда Конституциямиз муносиб ўрин эгаллади. Шу сабабли Конституциямиз қабул қилинган кун мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Зеро, Конституциямиз тарихан синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужжасам этган ҳужжатдир. Асосий қонулимиз энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий таърибасига таянган ҳолда яратилган. Унда халқимизнинг узоқ ўтмиш даврлардан буён шаклланиб келган миллий тафаккури, муқаддас қадриятлари ўз аксини топган. Халқимиз кўнглида устувор бўлган адолат ва ҳақиқат, иммон ва инсоф, олийжаноблик ва бағрикенглик, мардлик каби улғу ҳислатлар ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган табригида Президентимиз шундай деган эдилар: **"Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топаётган, адолатли ва халқпарвар давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этадиган вазибаларни амалга ошириш учун, аввало, янги конституциявий макон ҳамда янада мустақам қонунчилик базаси керак бўлишини, ўйламанки, барчамиз яхши тушунамиз. Шу маънода, Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал вазеликка, шундан ислохотларимиз мантиқига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт**

стратегияси учун мустақам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланмоқда.

Президент сайлови олдидан бўлиб ўтган учрашуларда фуқароларимиз, кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар вакиллари томонидан билдирилган таклифларда ана шу масала алоҳида қайд этилган конституциявий ислохотларни объектив зарурат сифатида кун тартибига қўймоқда".

Санокли кунлардан сўнг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси ва унга киритилаётган ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар бўйича референдум бўлиб ўтади. Бу сиёсий тадбирнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, депутатлар, ўқитувчи ва шифокорлар, маҳалла фаоллари аҳоли ўртасида янгилаётган Конституция моҳияти, унга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Мен депутат ва шу элу юрнинг фарзанди сифатида қайси маҳаллада бўлмай, одамларга янгилаётган Конституциямиз инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоёлари, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таърибаси, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини ўзида мужжасам этган эркин жамият барпо этишнинг мукамал дастурамалига айланаётгани ҳақида сўзлаб бермоқдаман.

Дарҳақиқат, ўзид халқ руҳияти, ахлоқи ва орзу-умидларини акс эттириб, халқимизнинг шуқуҳий онги ва ижодкорлигининг маъсули сифатида янгилаётгани билан кадрли. Бош қомусимиз бугунги кунимиз, келажакимиз ва тараққиётимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб қолади.

Абдумажид САТТОРОВ,
"Маҳалла" хайрия жамоат фонди бошқарувининг раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутаты.
Б.ҚУДРАТОВ олган сурат.



Тадбирда 4-Жиззах округ комиссиясининг раиси Шавкат Шарипов референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда комиссия томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим тарихий воқеага 4-Жиззах округ комиссияси ҳудудида ҳам қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, округ комиссияси учун Жиззах шаҳрида барча шариоатларга эга бино ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Референдумларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда етарли иш таърибасига эга, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролардан комиссия раиси, ўринбосари ва котиби, 15 кишидан иборат комиссия аъзолари таркиби тасдиқланди.

Округ комиссияси ҳузурда 2023 йил 1 апрелдан 4 ходимдан иборат матбуот маркази ташкил этилиб,



РЕФЕРЕНДУМГА

пухта тайёргарлик кўрилмоқда

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи 4-Жиззах округ комиссиясида брифинг бўлиб ўтди. Унда округ сайлов комиссиясининг аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

иш бошлади. Матбуот маркази томонидан 4-Жиззах округ комиссиясининг календарь иш режаси доирасида медиа-режа ишлаб чиқилган. Округнинг махсус сайти фаолияти йўлга қўйилди, шунингдек, ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасини очиб, референдум жараёни билан боғлиқ янгиликларни тезкор ёритиб бормоқда.

Брифингда референдум ўтказувчи участка комиссияларининг фаолият олиб бориши учун барча қулайликларга эга бўлган бинолар, хоналар ва бошқа зарур жиҳозлар ажратиб берилгани айтиб ўтилди. Референдум ўтказувчи участкалар умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, маҳалла гузарлари ва бинолари, шифохоналар, ҳарбий қисмлар, коллеж, лицей ва техникумлар, корхона ва ташкилотлар, маданият ва спорт марказлари ҳамда бошқа ташкилотлар биноларига жойлаштирилди.

Вилоятдаги 522 та референдум ўтказувчи участкаларга 5258 нафар аъзо бириктирилди. Аъзоларнинг 3182 нафари олий маълумотли, 1591 нафари ўрта махсус, қолгани ўрта маълумотли. 89 нафари ногиронлиги бор шахслар, 896 нафари ахборот-коммуникация технологиялари мутахассислари, 267 нафари нафақадарлардан иборат. Комиссия таркибини 35 фоизини аёллар ташкил қилади. Шундан 80 нафар аёллар комиссия раиси сифатида фаолият кўрсатапти.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи 4-Жиззах округ комиссияси ўз фаолиятини референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича календарь иш режаси асосида олиб бормоқда.

Васил ИЛЁСОВ.
(**"Жиззах ҳақиқати"**)

Вилоятимизда ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда улларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш соҳасида улкан ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Нуриддин Холматов муҳбиримизга ёшларни қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.



O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

Келажакга ТИКИЛГАН САРМОЯ

— Ҳар бир маҳаллада "Ёшлар дафтари"нинг ташкил этилиши йигит-қизларни ҳаётга тайёрлаш, улларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг энг ёрқин намунаси дейиш мумкин, шундай эмасми?

— Жиззах вилояти Ёшлар агентлигининг онлайн аризалар таҳлилига кўра, 2022 йилда "Ёшлар дафтари"га киритиш учун 22 минг 940 нафар тавсия қилинганлардан фуқаролар йиғинлари орқали 17980 та, колл-маркази орқали 1137 та, маҳалла етакчиси орқали 3823 та онлайн муурожаотлар келиб тушган бўлиб, шундан, 17 минг 354 та аризалар тасдиқланган. Партияимизнинг сайловолди дастурида ҳам ёшлар масаласи, улларнинг бандлиги асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Келажак авлод вакиллари қўл-

лаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар)да молиявий манбалари аниқ белгиланган алоҳида жамғармалар ташкил этилиб, 19,8 млрд. сўм миқдорда маблағлар шакллантирилган. Бир сўз билан айтганда, ёшларнинг ҳаётда ўз йўлини топиб олишлари учун масъул ташкилотлар белгиланган ва уллар ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

— Техникум ва олий ўқув юртларида ўқимаётган ёшларни битта муаммо кийнади. Улар билан суҳбатлашганда, албатта доимий иш билан таъминлашни сўрашади. Бу каби муаммолар қандай ҳал этилмоқда?

— Мактабни тугаллаган йигит-қизлар ҳеч қандай кўникмасиз катта ҳаёт оstonасига қадам қўйишади. Бирор касб эгаси бўлмагунларни ишга жойлаштириш ҳақиқатан ҳам

катта муаммо. Шунинг учун вилоятимизда касб-хунар ўқув марказлари ташкил этилди. Ҳар бир туманда фаолият бошлаган касб-хунар мактабларида 5792 нафар ёшлар касб-хунар ва тадбиркорлик асослари бўйича ўқитилди.

Ўтган йили 259 нафар ёш йигит-қизларга 970 млн. сўм миқдорда субсидиялар ажратиш орқали улларнинг бандлиги таъминланди. 54 нафар ёшлар меҳнат миграцияси орқали хорижга ишга юборилди. Тадбиркорлик ва хунармандлик лойиҳалари учун 8942 нафар йигит ва қизларга 203 млрд. 352 млн. сўм кредитлар ажратилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича кўникмаларни шакллантириш мақсадида 7113 нафар ёшларга 3471 гектар ер майдонлари ажратилиб берилди.

Бугунги кунда расмий ва норасмий секторда банд бўлган ёшлар сони 27 минг 820 нафарни, таълим олаётганлар 100 минг 250 нафар, вақтинча ишсиз ёшлар — 17 минг 578 нафар, меҳнатга лаёқатсизлар — 2010 нафар, вақтинчалик меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имконияти йўқлар (уй бекаси, бола парваришида, абитуриент) — 64 минг 543 нафарни ташкил этмоқда.

Ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, улларга берилаётган кредит ва субсидиялар бу келажакка тикилган сармоя ҳисобланади. Албатта, бун-

дай ёрдамлар эртагаёқ бўлмасада, яқин келажакда ўз натижасини беради. Зеро, умид билан экилган ниҳоллар вақти келиб мева олиб беради. Давлатимиз ғамхўрлигини ҳис этган ёшларимиз, жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Айниқса, муҳим сиёсий тадбир — референдумга тайёргарлик кўриш, жойларда тарғиботларни қучайтириш, янгилаётган Конституция моҳиятини тушунтиришда ҳам кенг миқёсда иштирок этишмоқда. Улар 30 апрель кунини биринчилардан бўлиб, овоз бериш участкаларига келиб ўз хоҳиш-иродасини билдиришади, деб ишонаман.

Суҳбатни Асад МУСТАФОВЭ
эста олди.
(**"Жиззах ҳақиқати"**)

Мукофотланганлар ҳақида ҳикоялар

Маҳалла тизимини ривожлантириш, инсон қадрини улғулашга қаратилган эзгу тамойил асосида маҳалланинг ўрни ва нуфузини юксалтириш, юртимизда кенг қўллаб-қувватлашнинг муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимиз Президентимизнинг 2023 йил 22 мартдаги Фармонида биноан давлат мукофотлари билан таъдирландилар. Улар орасида Шароф Рашидов туманидаги "Жиззахлик" маҳалла фуқаролар йиғинининг фаоли, "Бувижонлар" мактаби жамоатчилиги кенгаши раиси, "Шуҳрат" медали соҳиби Дилбар Саидова ҳам "Меҳнат шуҳрати" ордени билан таъдирланди.

Қадр топган ОНАХОН

Меҳнат фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлаган Дилбар Саидова туманининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва сиёсий жараёнларида фаол иштирок этиб келди.

Дилбар Саидованинг ташаббуси билан оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлигини яхшилашга эришилди. Хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, улларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зўравонликнинг олдини олиш борасида барча маҳаллаларда, таълим муассасаларида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борди.

Ташкилотчилик қобилияти сабаб уни 1980 йилда Жиззах туман партия қўмитасига ишга таклиф этишган. У партия аъзолари орасида хотин-қизлар сафини кенгайтириш, улларни раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта эътибор берди. Қишлоқ жойларда кўплаб мактаб ва боғчалар қурилиб, ишга туширилишида ташаббускорлик кўрсатди.

1985-2011 йиллар давомида Охунбобоев

қишлоқ фуқаролар йиғинида (ҳозирги "Зиёкор" ҚФЙ) раҳбар бўлиб ишлаган кезларида у ҳам раис, ҳам халқ депутатлари туман Кенгаши депутати сифатида кўплаб хайрли ишларга бош-қош бўлди. Унинг саъй-ҳаракати билан иккита замонавий қишлоқ врачлик пункти, умумтаълим мактаби, маиший ва савдо шохбчалари қурилди. Ун икки минг аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. 350 нафар хотин-қизлар ва ёшлар ишга жойлаштирилди. 15 нафар чин етим болаларнинг хатна тўйлари, 6 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. 5 нафар табиий офатдан зарар кўрган оилаларнинг уйлари хашар йўли билан қайта таъмирлаб берилди.

Унинг раҳбарлигидаги маҳалла туман, вилоят ва республика бошқарувида бўлиб ўтган кўрик-танловларда муваффақиятли кўтанишиб, голиблар сафидан ўрин олган. Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғини 1998 йилда "Энг намунали маҳалла" республика босқичида

фахрли 3-ўрин соҳиби бўлди. Раиснинг ўзи эса 1999 йилда "Энг фаол аёл" республика босқичида 2-ўринни эгаллашга муяссар бўлди.

Дилбар Саидованинг тўй ва маросимлар, оилавий тантаналарни ҳар томонлама миллий қадрият ва урф-одатларимиз бўйича ихчам, камҳаражатли ўтказишдаги иш таърибаси республика миқёсида оммалаштирилди. 2011-2018 йиллар мобайнида у Шароф Рашидов тумани хотин-қизлар қўмитаси ҳузурдаги "Аёллар маслаҳат маркази" жамоатчилик кенгаши раиси вазифасида ишлади. Катта ҳаётий таърибаси бу соҳада ҳам ўзининг самарасини берди. 48 та маҳаллада аёллар жамоатчилиги кенгаши ташкил қилинди. Хотин-қизлар фаоллиги оширилди. Оилавий ажриларнинг олдини олиш, ёш йигит-қизларни турмушга тайёрлаш, қайнона-келин муносабатларини яхшилаш борасида бир қатор тадбирлар ўтказди. "Қайнона онам", "Сепли эмас, элли келин бўл", "Ибратли оила", "Фарзандларни китобхонликка ўргатиш", "Инсон



одоби билан гўзал" каби мавзуларда маънавий суҳбатлар ташкил этилди. Ибратли ва намунали оилалар таърибасини тарғиб қилиш мақсадида "Ибратли оила" "Саранжом хонадон", "Чаққон қиз", "Пазанда келин", "Тадбиркор аёл", "Китобхон оила", "Адолатли қайнона", "Йил аёли", "Спортчи оила" кўрик-танловларини ўтказишда доимо ташкилотчилик қилиб келмоқда. 2018-2020 йилларда Ш.Рашидов тумани "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази раҳбари бўлиб ишлаган пайтда ҳам муқаддас оила пойдеворини мустаҳкамлаш борасида қатор илмий излашулар олиб борди. Туман ФХДЭ бўлими қошида "Ёш келин-қуввлар" инновацион мактабини ташкил этиди. 615 нафар ёш йигит-қизлар суҳбатдан ўтказилди. Уларнинг

тиббий кўриқдан ўтишлари катта эътибор берилди. Ҳар бир маҳаллада шаръий ниҳолларнинг олдини олиш бўйича имом-хатиблар ва отинийлар билан биргаликда 150 дан зиёд суҳбатлар ташкил қилинди. Вилоят ва республика телевидениеларида ўзининг сермазмун, ёшлар ва оила тарбиясига оид мавзуларда чиқишлари билан иштирок этди.

Дилбар Саидова 2020 йилдан буён туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳузурдаги "Аёллар маслаҳат маркази"нинг жамоатчилиги кенгаши раиси ва "Нуроний" жамоат фонди қошидаги "Бувижонлар" мактаби директори вазифаларида муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ҳар бир маҳалла ҳузурда ҳам шундай кенгашлар ташкил этилган бўлиб, уларда 300 га яқин жамоатчи, фаол, турли касб эгаларидан иборат бўлган меҳнат фахрийлари бирлашган.

Дилбар Саидова оила аъзолари билан биргаликда ҳар йили 30-35 та кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга хайрия ёрдамлари кўрсатиб келмоқда. Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида бўлган сув тошқинида ҳам бир неча оилага ўзининг моддий ёрдамини берган.

— Юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон она Ватанига астойдил хизмат қилиши керак, — дейди Дилбар Саидова. — Ҳар бир инсон ҳар кеч "Мен бугун қандай савобини иш қила олдим?" деб ўзига ўзи савол берса, қилган ишларини сарҳисоб қилса, у бекорга яшамаётганини ҳис қилади. Эзгу ишлари билан эл назарига тушади. Давлатимиз раҳбаридан меҳнатимизни қадрлаганликларни учун жуда миннатдорман. Бу оқсак мукофот мени янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларда янада фаол қатнашишга ундамоқда.

Эъозахон ҲАМРАЕВА,
Жиззах давлат педагогика университети "Мақтабча таълим методикаси" кафедраси ўқитувчиси.
Б.ҚУДРАТОВ олган сурат.

✓ Фармон ва ижро

Мард ўғлонлар номи баржаёт

Бурчига содик бўлиб, юрт тинчлигини сақлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида мардларча ҳалок бўлган ўғлонларни халқимиз ҳеч қачон унутмайди, уларнинг номи мангу яшайди. Шу мақсадда жорий йилнинг 13 мартида мамлакатимиз Президентининг "Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.



бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари ҳарбий қисм ва муассасалар томонидан оталиққа олинадилар ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади, яқинларининг хонадонларига ташрифлар уюштирилиб, уларга маънавий ва моддий кўмак кўрсатиш ишлари тизимли равишда ташкил этилади.

Ҳолоқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ҳодимнинг) ота-оналарига йилгига икки марта темир йўл ва ҳаво йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Ҳолоқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ҳодимнинг) ота-оналарига йилгига икки марта темир йўл ва ҳаво йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Ҳолоқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ҳодимнинг) оила аъзоларига тегишли вазирлик ва идораларнинг тиббиёт муассасаларида бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади. Тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида тиббий ёрдамни устувор равишда олиш ва навбатдан ташқари шифохонага ётқириш имконияти яратилади.

Ҳолоқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ҳодимнинг) оила аъзоларига тегишли вазирлик ва идораларнинг тиббиёт муассасаларида бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади. Тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида тиббий ёрдамни устувор равишда олиш ва навбатдан ташқари шифохонага ётқириш имконияти яратилади.

Ҳолоқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ҳодимнинг) оила аъзоларига тегишли вазирлик ва идораларнинг тиббиёт муассасаларида бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади. Тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида тиббий ёрдамни устувор равишда олиш ва навбатдан ташқари шифохонага ётқириш имконияти яратилади.

Феруза САПАРОВА,
Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши Жижзах вилояти
минтақавий бўлини маси мутахассиси.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Д.САДИРОВ олган сурат.

✓ 15 апрель — Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни

"... Ахир, бу Нодирабегим-ку! Буюк шоира қаршимда кўзгуга қараб турибди. Ҳайратимни сезибми, мен томонга юзланди ва кўзгунини қўлимга тутти: — Олинг, шу кўзгуда ўзимни қандай кўрган бўлсам, одамларга мени шундай кўрсатинг, — деди". Юрагим ҳапқириб уйғондим. Нодирабегимни туш кўрибман, унинг руҳи мени кўллапти, дея қувониб кетдим. Хурсанд бўлмаслик мумкинми? Ўша кунини орзуларимдан бири ушалиб, театр сахнасида Нодирабегим ролида томошабинлар қалбига маънавий завқ улашиш учун тайёрланганим.



Нодирабегим кўзгуси

Юнус Ражабий номли вилоят мусикали драма театрининг олий тоифали актрисаси Вазира Мирзаева билан бўлган суҳбат шундай самимийлик билан давом этди. У Фалларол туманидаги 22-умумтаълим мактабиде ўқиган кезларидаёқ сахна кўринишларидаги ролларни маҳорат билан ижро этган, чиройли рақс тушган, ширали овозда кўшиқлар куйлаган ўқувчи сифатида ҳам ўқитувчилар, ҳам тенгдошларининг хурмати қозонган эди. Санъатга бўлган қизиқишидан мамнун бўлган ота-она ҳам фарзандининг Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида таҳсил олишини қўллаб-қувватлашди.

— 2014 йилда олий таълимда ўқишни яқунлағач, вилоят мусикали драма театрида дастлаб вокалист артист сифатида иш бошлаганман, — деди актриса Вазира. — Ижодий жамоадаги устоз санъаткорларнинг маслаҳатлари ва тарбиялари билан бугун олий тоифали актриса вазифасида илгиримдан яқин тарихий асарларда бош ва иккинчи даражали ролларни ижро этиб келяпман. Жумладан, Туроб Тула қаламига мансуб "Нодирабегим" спектаклида Нодирабегим, Чингиз Айтматовнинг "Қиёмат" спектаклида Гулимхон, "Оқ булут" асарида Дугула, Гоголнинг "Ревизор" асарида Анна каби бош ролларда сахнадаги ҳаётим қашф этилди.

Вазира Мирзаева 2022 йилда Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ташкил этилган ижодий конференцияда қирғиз халқ ёзувчиси Султон Раевнинг "Тоғ" спектаклидаги — "Улуг актриса" бош ролини маҳорат билан ижро этгани учун

Азербайжан Мамбетов номидаги кўкрак нишонини билан тақдирланди.

— Юртимизда санъат ва маданият соҳасини ривожлантириш, фидойи санъаткорларни муносиб тақдирлаш борасида олиб борилаётган ишлар бугун барча мамлакатимиздаги ифтихор бағишларидир, — деди раҳамонимиз. — 2021 йил 7 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга асосан 15 апрель Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунини белгилади. Ушбу ҳужжат ёш авлод вакилларининг соҳага бўлган қизиқиши, орзу-мақсадларига бўлган ишончини янада ошириб келмоқда. Ижодий иқтидори, фидойи меҳнатлари билан халқ назарига тушган юртдошларимиз "Маданият ва санъат фидокори" кўкрак нишонини билан тақдирланмоқда. Шу нуқтаи назардан устозларимиз каби мен ҳам тарихий ва ибратли саҳна асарларидаги ролларим билан халқимизга хизмат қилишни, ўшларни комил инсон бўлиб тарбиялашида муносиб ҳисса қўлишни ният қилганман.

Оилада икки нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, турмуш ўртоғининг суюкли ёри бўлган Вазира Мирзаева суҳбат сўнггида республикамизда санъат ва маданият соҳасида меҳнат қилаётган барча ижодкорларни касб байрами билан муборакбод этди.

Гулчехра ХИДИРОВА
суҳбатлашди.

("Жижзах ҳақиқати")

Суратда: Вазира Мирзаева Нодирабегим ролида.

Маҳаллалар ҳаёти ОАВ нигоҳида

Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, давлат дастурларининг ижроси бўйича амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш ишларининг бориши билан танишиш мақсадида вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати ташаббуси билан Зарбдор туманига пресс-тур ташкиллаштирилди.



Суратда: Мукаррам Кенжаева томорқада ўғли Хуршид билан

Дастлаб пресс-тур иштирокчилари Бўстон шаҳарчасидаги 1-умумтаълим мактабига ташриф буюришди. Икки йил бу йил инвестиция дастурига мувофиқ 5 миллиард 765 миллион сўмлик маблаг эвазига қайта таъмирланган ва жиҳозланган билим максани тумандаги таянч ўқув муассасаларидан ҳисобланади. Мактабда 107 нафар педагог 1257 нафар ўқувчига таҳсил бераётир.

Ўқувчилар 2+1 лойиҳаси асосида, яъни рус ва инглиз тилини ўрганиб, битта касбни ўзлаштиришлари лозим бўлади. Мухтарам Юртбошининг жорий йил 20 январдаги мақбалада хорижий тил ва касб ўргатиш тизимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказган кенгайтирилган йиғилишида бу масалага жиддий эътибор қаратилиб, мутаасаддиларга топшириқлар берилган. Бугун маъмур даргоҳда ёшлар 12 та — сартарошлик, пазандчилик, кўнчилик, паррандчилик, чилангарлик, электр пайвандчи, телефон ўсташи ва бошқа касбларни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Катта китоб фондига эга қу-

тубхона, спорт зали, компьютер хонаси, ошхона ҳам ўқувчилар хизматига. Энг сўнги инновация технологиялар билан таъминланган таълим муассасасида Янги Ўзбекистон учун муносиб кадрлар етиштириш чизиғига шубҳа қилмас ҳам бўлади.

Пресс-тур иштирокчилари маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар билан танишиш мақсадида "Шодлик" ва Навоий МФЙларига ташриф буюришди. Дастурга мувофиқ Шодлик маҳалласининг Сувчилар кўчасига тўлиқ бетон қопламаси ётқизилган.

— Кўчамизга илгари транспортлар кира олмасди, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Баҳорой Тоғаева. — Ўзда чанг, қиш ойларидеги лойгарчиликлар туфайли фуқаролар кўчага чиқишга оғиринди. Таъмирланган, текис кўчалардан набиралимизни боғчага, мактабга беҳавотир олиб бораёلمиз. Навоий МФЙнинг асосий кўчаларига ҳам асфальт ётқизибли, тунги чироқлар-

нинг ўрнатилиши маҳалла фуқароларини бир неча йилдан бери қийнаб келаятган муаммо барҳам топди.

Ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини қуриш, қайта қуриш ва модернизация қилиш ҳамда аҳолини узлуксиз сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Ойбек маҳалласидаги Оқбулоқ ва Оқбулоқ-1 кўчалари аҳолиси учун сув қудуги қазилиб, сув минораси қурилди. Бош пудратчи "Bo'ston Montaj Ta'mir" хусусий корхонаси, лойиҳа-

чинг ўрнатилиши маҳалла фуқароларини бир неча йилдан бери қийнаб келаятган муаммо барҳам топди.

Ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини қуриш, қайта қуриш ва модернизация қилиш ҳамда аҳолини узлуксиз сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Ойбек маҳалласидаги Оқбулоқ ва Оқбулоқ-1 кўчалари аҳолиси учун сув қудуги қазилиб, сув минораси қурилди. Бош пудратчи "Bo'ston Montaj Ta'mir" хусусий корхонаси, лойиҳа-

чинг ўрнатилиши маҳалла фуқароларини бир неча йилдан бери қийнаб келаятган муаммо барҳам топди.

Ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини қуриш, қайта қуриш ва модернизация қилиш ҳамда аҳолини узлуксиз сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Ойбек маҳалласидаги Оқбулоқ ва Оқбулоқ-1 кўчалари аҳолиси учун сув қудуги қазилиб, сув минораси қурилди. Бош пудратчи "Bo'ston Montaj Ta'mir" хусусий корхонаси, лойиҳа-

чинг ўрнатилиши маҳалла фуқароларини бир неча йилдан бери қийнаб келаятган муаммо барҳам топди.

Ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини қуриш, қайта қуриш ва модернизация қилиш ҳамда аҳолини узлуксиз сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Ойбек маҳалласидаги Оқбулоқ ва Оқбулоқ-1 кўчалари аҳолиси учун сув қудуги қазилиб, сув минораси қурилди. Бош пудратчи "Bo'ston Montaj Ta'mir" хусусий корхонаси, лойиҳа-



фаатдорликни одамларга ҳам ўргатиш вазифага айланган. 4,5 сотих иссиқхонамиз бор. Лимон, кўкат, бодринг экилган. 16 миллион сўм банкдан кредит олганмиз. Йилига битта кўкатнинг ўзидан 50-60 миллион сўм даромад қиламиз. Ҳозир банан уругини етиштириш бўйича тажриба қилаяпман. Бугун яратилган имкониятдан одамлар фойдаланиб қолишлари керак.

2019 йилда туман марказида Нурунийлар маскани биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда нурунийлар учун барча шартлар муҳайё қилинган.

— Бугун нурунийларга кўрсатилётган ғамхўрликлардан бошимиз кўкка етмоқда, — дейди иккинчи даражали меҳнат фахрийси, "Ма-

роқ раҳбарлигидаги ун ишлаб чиқариш корхонасида бир суткада 230 тонна бўғдой қайта ишланади. Туркиянинг "Milltech" фирмасининг "DEGPA" тегиримонида кунига 140 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Нафақат ички бозорга, жумладан, йилига 5000 тонна ун Афғонистон, Эрон мамлакатларига экспорт қилинаётир.

Технолог Сирожиқдин Худоёров (суратда) сингари ўттиз нафар таҳсилланган. Қозоғистондан "Highpro" навли оқсилларга бой бўғдой навидан корхонада олий, биринчи навли ҳамда 7 турдаги ун маҳсулотлари сотувга чиқаришмоқда.

Тумандаги ёшлар sanoat зонасида тадбиркор Жамшид Лапасов бошчилигида "IZO PLUS" бренди остида қурилишбон пенофол ишлаб чиқаришмоқда. "Микрокредит банк"-нинг туман филиалидан 3,5 миллиард сўм кредит олган тадбиркор Хитой ва Эрондан дастгоҳлар олиб келиб ўрнатди. Олти нафар ёшларнинг бандлиги таъминланган корхонада кунига 7000 квадрат метр тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Тадбиркор цехни кенгайтириб, маҳсулотларни экспортга йўналтиришни мақсад қилган.

Пресс-тур иштирокчилари туман спорт мактаби, маданият саройи, Жижзах давлат педагогика университетининг сиртки бўлим фаолияти билан танишиб, бир олам таассуротлар билан қайтишди.

З.ТУРСУНҚУЛОВ,
("Жижзах ҳақиқати")

✓ Кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ

Марказимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги Вазирлиги ҳузуридаги кишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори асосида ташкил этилган. Айни кунда соҳада инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилапти.

Пахтакор туманида фермер хўжалиқлари тасаруфидаги ер майдонларини Германия давлатида ишлаб чиқарилган, сунъий йўлдош орқали таҳлил қилувчи "Stenop-LAB" кўчма лабораторияси фаолият йўлга қўйилди. У ер ҳолатини 19 та параметрлар кесимида аниқлаб, экин турлари бўйича озиклантириш мезёрлари ва агротехник тадбирлар юзасидан ҳар бир фермерга алоҳида тавсиялар ишлаб чиқади. Айни пайтда буюртма асосида ҳафтага 20-25 нафар фермерларга пуллиқ хизмат кўрсатилмоқда. Бугунги кунгача 22 минг гектар майдонда таҳлил ўтказилиб, 230 нафар фермерлар кўчма лаборатория хизматидан баҳраманд бўлишди. Марказ жамоаси бу ишлар билан чекланиб қолмапти. Баҳорги экинларни экиш бўйича туманларда фермер, деҳқон хўжалиқлари иштирокида семинарлар ўтказилмоқда.

Яқинда Пахтакор ва Шароф Рашидов туманларида ана шундай семинарлар бўлиб ўтди. Уларда марказ таркибига илмий тадқиқот институтлари олимлари иштирок этишиб, деҳқонларга кишлоқ хўжалигида замонавий инновацион технологияларни жорий этиш афзалликлари тўғрисида тушунча ва тавсиялар беришди.

Зоҳид АМАНОВ,
вилоят Агрехизматлар маркази директори.



Besh tashabbus Bosh tashabbus



Rossiyada ta'lim

Sharof Rashidov tumanidagi 17-umumta'lim maktabida Tomsk politeknika universiteti hamda Davlat arxitektura-qurilish universiteti vakillari bilan bitiruvchi yoshlarning uchrashuvi tashkil etildi. Viloyat maktab va maktabgacha ta'lim boshqarmasi tomonidan uyushtirilgan tadbirga umumta'lim maktablarining 300 dan ortiq o'quvchilari taklif etildi.

TOMSK UNIVERSITETLARIGA SINOV TESTLARI O'TKAZILDI

Uchrashuvda Tomsk davlat arxitektura-qurilish universiteti qabul bo'limi boshlig'i Dmitriy Koltmogorov, masofaviy ta'lim markazi rahbari Dmitriy Pessov hamda Tomsk politeknika universiteti qabul komissiyasi raisi Larisa Demenkova o'zlarining ta'lim tajribalarini taqdim etdilar. — Universitetimiz 1896-yilda tashkil etilgan, — dedi TPU qabul komissiyasi raisi, pedagogika fanlari nomzodi Larisa Demenkova. — Yadro texnologiyalari muhandislik maktabi, energetika axborot texnologiyalari va robototexnika muhandislik maktablarida turli yo'nalishlarga qabul e'lon qilingan. Bu yil 180 ta byudjet o'rni ajratilgan. O'qish talabani tanloviga qarab onlayn va offline formatda, kunduzgi, sirtqi, kechi va masofaviy shakllarda bo'ladi. Universitetimizda 14 ming talaba tahsil o'lmoqda, ulardan 4000 ga yaqini 37 ta davlatdan kelgan yoshlardir. Ularga 1700 nafar yuqori malakali professor-o'qituvchilar dars berishadi. Universitetda Yurginskiy texnologiya institutining filiali ham mavjud bo'lib, u axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va texnosfera xavfsizligi sohasi uchun kadrlar tayyorlaydi. Talabalar uchun 15 ta yotoqxona, 32 ta o'quv va laboratoriya binolari, 13 ta sport inshooti, chang'i bazasi, stadion va sport maydonchalari mavjud. Talabalarga 5000 rubl miqdorida stipendiya to'lanadi.

Bugungi tadbir bilim darajangizni baholash, Rossiyaning yetakchi muhandislik universitetiga kirish testlariga samarali tayyorgarlik ko'rish hamda qabul bo'yicha yetarli tushunchaga ega bo'lishingiz uchun katta imkoniyatdir. — Biz Jizzax yoshlarini talabalarimiz safida ko'rishdan g'oyat mamnun bo'lar edik, — deydi Tomsk davlat arxitektura-qurilish universiteti qabul bo'limi boshlig'i Dmitriy Koltmogorov. — Arxitektura, qurilish, yer usti transporti va texnologik komplekslar, neft va gaz biznesi, iqtisodiyot, kartografiya va boshqa yo'nalishlarda kadrlar tayyorlanadi. Talabalarga 10 000 rubl miqdorida stipendiya tayinlangan. Ular zamonaviy innovatsion o'qitish usullaridan foydalangan holda sirtqi va kunduzgi (kechi) ta'lim shakllaridan ma'qulini tanlab olishlari mumkin. Tadbir o'quvchilar o'zlarini qiziqtirgan barcha savollarga javob oldilar. Mehmonlar Samarqand shahrida ham targ'ibot tadbirlarini o'tkazishdi. Bundan tashqari, Jizzax davlat pedagogika universiteti qoshidagi akademik litseyda sinov testlari o'tkazilib, o'quvchilarning Rossiya oliy ta'lim dargohlarida tahsil olish imkoniyatlari baholandi.

Ruslan JALILOV.
("Джизакская правда")

Qalb bilan yozilgan asarlar

Inson fikrlar ekan, har bir narsani boshqasiga solishtiradi. Bundan ular oqni qoradan, yaxshini yomondan ajratadi. O'z fikr-mulohazalari bilan bir-biriga o'xshash va takrorlanmas jihatlarini ilg'ay oladi. Mana shu solishtirish jarayonida timsolli fikrlash dunyoga keladi. Bu timsollar xarakterlanib yozuvchilar tomonidan mukammal asarlarga aylantiriladi. Badiiy so'zlar saralanib adabiy meros yaratiladi va bu insoniyatning ma'naviyatiga xizmat qiladi.

Mutolaa



Sizlarni adabiyotimizda yuksak mukofotlarga sazovor bo'lgan asarlar bilan tanishtirishni lozim topdik. Bu kabi asarlarni o'qib insoniyatning so'z san'atini nechog'lik mukammal egalaganiga tasannolar aytasiz. Inson ko'nglini

faqat o'ziga xos nigo bilan kashf eta olgan. Mualliflar so'z san'atini chinakam badiiylikka aylantira olganligi tufayli yuksak e'tiroflarga sazovor bo'lgan. Dunyo adabiyotida sanoqli asarlarga Nobel mukofotiga sazovor bo'lgan. Bular Robin Dranath Thokurning "Gitanjali", Romein Rollanning "Jan Kristof", Roger Martin du Gardning "Tibo oilasi" kitoblari bo'lib, Ernest Seton Tompsonning "Yovvoyi hayvonlar hayoti" kitobi Oltin Elliott medali, "Shimoliy hayvonlar hayoti" asari Oltin gulxan medali bilan taqdirlangan. O'zbek adabiyotining mukofotlangan asarlari ham kam emas. Bular O'Imas Umarbekovning "Xatingni kutaman" asari yilning eng yaxshi hikoyasi, Asqad Muxtorning "Chinor" i yil romani, Tog'ay Murodning "Otamdan qolgan dalalar" i A.Qodiriy mukofoti, Sharof Boshbekovning "Tushov uzgan tulporlar" i respublikalararo g'olib asar, Halima Xudoyberdiyevaning "Muqaddas ayol" kitobi Respublika davlat mukofoti, G'ofur G'ulomning "Sharqdan kelayotirman" asari davlat mukofoti, Xudoyberdi To'xtaboyevning "Sariq devni minib" hikoyasi Janni Rodari tahsiniga sazovor bo'lgan. Biz sizlarga ushbu asarlarni o'qib chiqishingizni tavsiya qilamiz. Kitoblarni esa har doimgidek axborot-kutubxonada markazimizdan olishingiz yoki buyurtma berishingiz mumkin.

Munira RAXIMOVA,
Do'stlik tuman Axborot-kutubxona
markazining Axborot bibliografiya
xizmati rahbari.

Yoshlar o'rtasida ommaviy sportni rivojlantirish bo'yicha turli loyihalar va chora-tadbirlar amalga oshirib kelinmoqda. Jumladan, an'anaviy tarzda mahalla yoshlari o'rtasida "DXX kubogi" uchun futbol va mini-futbol bo'yicha o'tkazilib kelinayotgan musobaqalar, har bir mahalla yoshlarida katta qiziqish uyg'otgani shubhasiz.

"DXX kubogi" uchun qur'a tashlandi



Ushbu musobaqa o'tgan yillarda faqat yigitlar o'rtasida tashkil etilayotgan edi. Joriy yildan e'tiboran "DXX kubogi"ning mini-futbol bo'yicha qizlar o'rtasida ham musobaqalar tashkil qilinayotgani yurтимizda ommaviy sportni rivojlantirishga qaratilayotgan e'tiborning yaqqol namunasidir. Yaqinda Jizzax futbol mahorat maktabi sport zalida Jizzax shahridagi 34 ta mahallalar jamoalari ishtirokida futbol va mini-futbol bo'yicha musobaqalarga qur'a tashlash marosimi o'tkazildi. Tadbir har bir mahalla jamoalari sektorlariga ko'ra "A" va "B" guruhlariga taqsimlandi. Qur'a tashlash jarayonlari yig'ilganlar qarshisida ochiq tarzda o'tkazildi.

Vahobjon ABDUG'ANIYEV.
("Jizzax haqiqati")

Muallif olgan surat.

Jamoatchilarimiz — JDPU o'qituvchilari

Til o'rganishga qancha vaqt kerak?

Ingliz tilini o'rganishga kirishgan har bir kishini bir savol qiziqtiradi: tilni to'liq bilib olishim uchun qancha vaqt kerak? Bu savolga qisqa va lo'nda qilib, "Hammasi o'z qo'lingizda" deyish mumkin. Ammo o'qituvchi va psixologlarning sevimli bu iborasiga qarshi ilmiy dalil keltirmoqchiman.

Tinib-tinchimas olimlarning bu boradagi tadqiqotlariga murojaat qiladigan bo'lsak, AQSHlik olimlar Tomas Vayne va Virjiniya Kollierlar 14 yil davomida 700 ming nafar til o'rganuvchilarni kuzatishgan. Tanlab olinganlar dunyoning turli mamlakatlaridan bo'lib, yashash sharoiti, ta'lim sharoiti, ijtimoiy kelib chiqishi, til o'rganishga qobiliyati turlicha bo'lgan. Demak, tadqiqot natijasini nisbatan haqqoniy desa bo'ladi.

Shunday qilib, tanlab olingan o'quvchilarning har biri bir xil uslubda va teng darajadagi tajribaga ega o'qituvchilar tomonidan o'qitildi. Natija esa kutilmagan bo'lib chiqdi. Tilni qanchalik tez o'rganish o'rganuvchining avvalgi bosqichlarda qanday o'qigan, maktabdagi ta'lim sifatiga bog'liq ekan!

Ya'ni, maktabda yaxshi o'qigan, xorijiy tilni o'rganishda yetarli tayyorgarlikni o'tagan, o'z ona tili grammatikasini yaxshi o'zlashtirgan o'quvchilar 3-5 yil deganda ingliz tilini mukammal o'rganib olishgan. Maktabda o'rta darajada o'qigan, ona tilisi grammatikasini shu darajada bilgan, boshqa tilni yuzaki o'rgangan, ammo yangi til o'rganishga jiddiy kirishgan o'quvchilar 6-8 yil deganda ingliz tilini o'z ona tilidek egallay olgan. Boshlang'ich ta'limi juda yomon darajada bo'lgan, o'z ona tili grammatikasini deyarli bilmagan va bungacha hech qanday chet tilini o'rganmagan til o'rganuvchilar esa 13 yil deganda ingliz tilini egallay olishgan.

Demak, hammasi o'qituvchining mahorati, o'quvchining ishtiyoq va qobiliyatiga emas, bilimlar poydevorining



mustahkamligiga ham bog'liq ekan. Shu ma'noda davlatimizda maktab ta'limini rivojlantirish, o'quvchilarni sifatli ta'limga jalb etish, har bir o'quvchiga individual yondashish masalasiga doimiy e'tibor qaratilayotganidan faqat mamnun bo'lish kerak.

Liliya YUSUFOVA.

Chet tilini o'rganish uchun har kuni yangi so'z yodlash, matnlar ustida ishlash, tinglab tushunish kabilarga murojaat qilamiz. Mnemonika bu usullarga o'z-gacha yondashadi. Insonning shaxsiy imkoniyatlarini rivojlantirib, miyani samarali ishlashga undaydi.

Mnemonika eslab qolish san'ati bo'lib, esda qolishni osonlashtiruvchi va xotira hajmini kengaytiruvchi usullar tizimidir. Demak, mnemonika xotira sustligini bartaraf etib, kuzatuvchanlik, diqqatni jamlash orqali chet tilini osong'ona o'rganishga yordam beradi. Darhaqiqat, hamma ham har kuni ishga yoki o'qishga qatnaydigan yo'lidagi belgi va predmetlarga ahamiyat bermaydi. Misol uchun, yo'lda qanaqa da-raxtlar o'sishi, ularning soni, ba-land-pastligi kabilarga haqida so'ralganda, tayinli javob be-

rolmaymiz. Bu kuzatuvchanlik yetishmasligidan dalolat. Natijada miyaning faol ishlashiga turkii kamayib boradi va xotira sustligi, diqqatni jamlashda muammolar paydo bo'ladi. Mnemonikani eng kuchli egalagan shaxs, nazdimda Sherlok Xolms. U badiiy to'qima shaxs bo'lsa ham, Artur Konan Doyl o'z qahramoniga kuzatuvchanlikning oliy darajasini "sovg'a qilgan". U birinchi bor uchratib turgan suhbatdoshining kasbi, qiziqishi, tur-mush tarzi, oilaviy hayotini ki-yimlarining holati (dazmollangani,



yog' izi), tirnoqlariga bilinar-bilinmas tekkan dog', oyoq kiyimi-

dagi loy va hokazo mayda unsurlarga qarab darhol aniqlay olgan. Agar u hayratda qolgan suhbatdoshiga bularni qanday bilib olganini tushuntirsa, unchalik ham murakkab ish emasligi ayon bo'ladi. Chet tilini o'rganayotganda mnemonikaning obrazlilik metodidan foydalanish samaralidir. Tasvirlar orqali ma'lumotni eslab qolish ifodasiz tuyuluvchi raqamlar, sanalar, geografik joylashuv kabi mavzularni o'rganishda katta yordam beradi. Ovoz chiqarib o'qishda ikkita his-tuygu a'zosi — ko'z va quloq birday ishlaydi. Natijada o'qiganini ko'rish va ko'rganini eshitish mumkin bo'ladi. Takrorlash har qanday yoshda foydali. Cheksiz miqdordagi ma'lumot ham tez-tez takrorlab

Sevara HAMIDOVA,
chet tillar fakulteti
o'qituvchisi.

Mnemonika yordam beradimi?

"Matonat" g'alaba qozondi

Jizzax garnizonidagi harbiy qismda umumiy o'rta ta'lim maktablarining yuqori sinf o'quvchi-yoshlari ishtirokida Mudofaa vaziri kubogi uchun "Vatanparvarlar" harbiy sport musobaqasining viloyat bosqichi o'tkazildi. Tadbir harbiy qism qo'mondonligi, O'zbekiston Yoshlar Ittifoqi viloyat kengashi, viloyat Mudofaa ishlar boshqarmasi hamkorligida tashkil etildi.



Musobaqada 13 ta jamoa ishtirok etib, safda qo'shiq aytish, harbiy estafeta, mohir mergan, jabrlanuvchiga birinchi yordam ko'rsatish, "Temur tuzuklari" bilimdoni, yo'l harakatining intizomli ishtirokchisi shartlari bo'yicha kuch sinashishdi.

Bellashuvda 3-o'rin G'allaorol tumanidagi 26-maktabning "Yosh askarlar" jamoasi, 2-o'rin Mirzacho'l tumanidagi 8-maktabning "Vatanparvar" jamoasi va faxrli 1-o'rin Jizzax shahridagi 21-maktabning "Matonat" jamoasiga nasib etdi. "Matonat"chilar respublika bosqichiga yo'llanma oldilar. G'olib jamoalar diplom, kubok va esdalik sovg'alar bilan taqdirlanishdi.

Rahmonjon ACHILOV,
Yoshlar Ittifoqi viloyat kengashi harbiy
qismlardagi boshlang'ich tashkilotlar faoliyatini
muvofiqlashtirish bo'limi boshlig'i, mayor.

Xabaringizni kutamiz!

Garchi tahririyatimizning elektron pochta va pochta aloqa manzili bo'lsa ham, bugungi kun talabidan kelib chiqib murojaatlar uchun telegram bot tashkil qildik. Sizga telegram orqali yozishish qulayligini bilamiz.

Xat va maqolalaringiz, murojaat va takliflaringiz quyidagi manzilda ham qabul qilinadi: @Jizzax_haqiqati_murojaat_bot.

Jizzax haqiqati

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari viloyat
Kengashi va viloyat hokimligi

Bosh muharrir Bahodir NAZAROV

Jizzax viloyati matbuot va axborot boshqarmasidan 2018-yil 7-dekabrda 06-038 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.

ISSN 2010 7730. Qog'oz bichimi A-2, hajmi 2 bosma taboq. Guvohnoma № 14-2588

QABULXONA — (72) 226-40-65.

XATLAR — (72) 226-59-84,
REKLAMA va E'LONLAR — (72) 226-18-10.

Navbatchi muharrir: G.XIDIROVA.
Gazeta operatorlari: A.NORBOYEV, D.SADIROV.
Musahhihlar: B.HAMIDOVA, H.MO'MINOVA.

Tahririyat besh qog'oz hajmgacha bo'lgan qo'lyozmalarini qabul qiladi. Qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Reklama va e'lonlar matni uchun tahririyat javobgar emas.

— tijorat materiallari

Buyurtma № 210
Adadi: 12546 nusxa.
Sotuvda
kelishiigan narxda.

Gazeta «ERUDIT» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.
Shartnoma bo'yicha topshirish vaqti — 17.00. Topshirildi — 16.00